

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-404-413>

Муминов Алишер Гаффарович

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
сиёсий фанлар доктори, профессор
alisher.nuuz@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Янги Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланиши ва унинг институтлари фаолиятини такомиллаштириши бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда ушбу соҳадаги эришилган ютуқлар ёритилмоқда. Ўрганилаётган муаммога бизнинг қарашларимиз нафақат ушбу жараённинг умумий ва шахсий томонларини ўрганиб чиқиш балки фуқаролик жамиятини ривожлантириши жараёнида юзага келаётган янги механизм ва моделларни таҳлилини қилиш ва тегишли бўлган таклифларни беришдан иборатдир.

Калит сўзлар: фуқаролик жамияти, нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ), Янги Ўзбекистон, Халқ қабулхоналар, виртуал қабулхоналар, Ҳаракатлар стратегияси, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси, жамоатчилик назорати, “Менинг фикрим” портали, «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси, краудсорсинг.

ABSTRACT

At the present article a brief outlook is given on the measures undertaken by the government on the formation of civil society in Uzbekistan and the enhancement of the activity of its institutes as well as on achieved progress in this field. Our approach to the problem being analyzed consists not only in studying common and specific dimensions of this process but in analyzing new mechanisms and models appearing while the development process of the civil society and giving corresponding proposals in regard.

Keywords: civil society, nongovernmental noncommercial organizations (NNO), New Uzbekistan, public reception, virtual reception, Strategy on Actions, Development strategy of New Uzbekistan, public control, “Mening fikrim” (“My opinion”) web-portal, “Initiative budget” project, crowdsourcing.

АННОТАЦИЯ

В настоящей статье дается обзор принимаемых мер по формированию гражданского общества в Узбекистане и совершенствованию деятельности его институтов, а также достигнутых успехов в этой области. Наш подход к исследуемой проблеме заключается не только в рассмотрении общих и частных аспектов данного процесса, но и в анализе проявляющихся новых механизмов и моделей в процессе развития гражданского общества.

Ключевые слова: гражданское общество, негосударственные некоммерческие организации (ННО), Новый Узбекистан, народные приемные, виртуальные приемные, Стратегия действий, Стратегия развития Нового Узбекистана, общественный контроль, портал «Мening fikrim», проект «Инициативный бюджет», краудсорсинг.

КИРИШ

Янгиланаётган Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий жараёнлар шиддат билан кечаётганини гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу жараёнлар мазмун-моҳиятининг таҳлили давлат томонидан фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва бу соҳада нодавлат ноижорат ташкилотлари ролини ва нуфузини янада оширишга бўлган эътибор борган сари кучайиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Бошқача қилиб айтганда, давлат фуқаролик жамиятининг келажак қиёфасини ишлаб чиқиш ва уни барпо этишда фуқаролик жамиятининг барча институтлари ҳамда фуқароларни жалб этиш учун масъулияти ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бу борада давлат аҳоли фаровонлигини оширишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, давлат ҳамда кенг аҳоли эҳтиёжларини ифодаладиган, турли жамоат ташкилотлари манфаатларига жавоб берадиган самарали механизмларни, усул ва воситаларни ишлаб чиқиб, уларни амалиётда қўллаш борасида фаолият олиб бормоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Фикримизни асослаш мақсадида мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотлар бошланган 2016 йилдан ҳозирги кунга қадар ўтган давр воқеалар кетма-кетлигига назар солайлик.

Республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида 2016 йилда ташкил этилган мутлақо янги тизим Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхоналар [7] одамлар оғирини енгил қилиш, уларнинг муаммоларини ҳал этишда муҳим

аҳамият касб этиб, давлат органлари билан фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали механизмига айланди.

Эндиликда Халқ қабулхоналари том маънода халқ овозини, жамоатчилик фикрини ифода этадиган тузилмага айланиши учун уларга конституциявий мақом бериш ва фаолияти тўғрисида алоҳида қонунни ишлаб чиқиш борасида ишлар амалга оширилмоқда.

2017 йилда юртимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” эълон қилиниши [11] натижасида фуқароларнинг эркинликлари, ҳуқуқлари, муносиб турмуш тарзини таъминлаш, халқ билан очиқ мулоқотларни йўлга қўйишда янги, самарали восита ва усуллар жорий этилиб, “Инсон манфаатлари – барча нарсадан устун” тамойили остида чора-тадбирлар ташкил этилди.

2017-2021 йиллар учун мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси” [6] ҳам давлат инсон учун, халқ учун очилганлигини, унинг муаммоларини ижобий ҳал этиш бўйича мутлақо янги тизим яратганлигидан далолат эди.

НАТИЖАЛАР

Бундай тизимли ишлар натижасида мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламлари томонидан қўллаб-қувватланадиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг жадал шаклланганлиги ва фаолиятининг ривожини кузатилди.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолият кўрсатадиган ҳуқуқий маконни янада кенгайтириш мақсадида Ҳаракатлар стратегиясида [6] белгиланган устувор вазифалар моҳиятидан келиб чиқиб, амалдаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилди ва давр талабларига мос янги қонунлар ишлаб чиқилди. Жумладан, 2018 йил 12 апрелда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун қабул қилинди [8].

Бундан ташқари, сўнгги йилларда мамлакатимизда қатор янги қонун ҳужжатлари [15] қабул қилиндики, улар фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий фаоллигини янада кучайтиришда муҳим омил вазифасини бажармоқда.

Хусусан, 2018 йил 4 майда “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони [9] асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги “Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат” Кенгаши ташкил этилди.

Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг ҳозирги босқичида фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири, фуқаролар билан

доимий мулоқот, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида уларнинг фикрларини олишдан иборат. Бу борада, сўнгги уч йилда қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва Давлат дастурлари жамоатчилик муҳокамасига қўйилиб, сўнгга қабул қилинганлигини айтиш зарур. Бинобарин, давлат ва жамият аҳамиятига молик бундай ҳужжатларни тайёрлашда бутун мамлакат фуқароларининг қизиқишлари тўла инobatга олинишини таъминлаш учун аҳоли ўртасида кенг муҳокамалар ташкил этиш, доимий равишда халқ билан мулоқот қилиш тақозо этилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда давлат органларининг жамоатчилик билан тўғридан-тўғри мулоқотини рағбатлантиришга қаратилган шарт-шароитлар яратилмоқда, давлат ҳокимиятининг ўзи бундай мулоқотнинг ташаббускори бўлиб чиқмоқда. Давлат органларида жамоатчилик билан алоқалар бўйича ихтисослаштирилган матбуот хизматлари [18] ташкил этилди. Улар давлат ҳокимияти органларининг фаолияти, режалари ва қабул қилаётган қарорларининг мазмун-моҳияти тўғрисида мунтазам равишда жамоатчиликка ахборот тақдим этиб борадилар.

Ўзбекистонда 2018 йилда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамасига жамоатчиликни янада кенгроқ жалб қилиш мақсадида ташкил этилган regulation.gov.uz веб портали [19] ўз фаолиятини бошлади.

Бундан ташқари, фуқароларнинг қонун ҳужжатлари лойиҳалари юзасидан жамоатчилик мурожаатлари Mening fikrim [10] портали ташкил этилдики, у фуқароларни давлат бошқарувида янада кенгроқ иштироки учун янги имкониятлар яратди.

Аҳолини жамиятда кечаётган жараёнларга, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга бефарқ эмаслигини, аксинча муаммоларни ҳал этиш учун масъулияти, дахлдорлик хиси ошиб бораётганлигини кўрсатувчи сўнгги мисоллардан бири, халқ ўртасида машҳурлашаётган «Ташаббусли бюджет» лойиҳасидир. Шу йилнинг 1 апрель куни «Ташаббусли бюджет» лойиҳасининг илк мавсуми натижалари эълон қилинди. Ўз худудига бефарқ бўлмаган фуқароларнинг 70 мингга яқини маҳаллий бюджет маблағларини аҳолини ташвишга солаётган муаммолар ечимига йўналтириш юзасидан режалар ишлаб чиқишда иштирок этди. Бу лойиҳаларга овоз бериш жараёнларида эса 6,7 млн кишидан кўпроқ аҳоли қатнашди.

Билдирилаётган ташаббусларга эътибор берсак, уларнинг учдан бир қисмини мактабларни таъмирлаш, жиҳозлаш каби лойиҳалар эгаллаган. Ҳар

тўртинчи лойиҳа ички йўллари ҳамда кейинги ўринларда мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш турибди.

Лойиҳа фуқаролар фаоллиги уйғониб, ошиб бораётганлигини, уларнинг овози жамиятда ниманидир ҳал қилишда муҳим ўринга эгаллигини тобора англаб, ҳис қилаётганлигини намоён қилди. Қолаверса, бу лойиҳа ҳозирги кунда фуқароларни маҳаллий бюджетларни оқилona тақсимлашда иштироки кенгайиб бориши, охир оқибатда эса фуқароларнинг давлат бюджетини ҳаражатлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатилишига олиб келади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси нафақат муаммонинг ечими, балки мамлакатдаги ҳақиқий ҳолатни кўрсатиб берадиган барометр ҳам. [14].

Бу каби мисоллар мамлакатимизда сўнгги йилларда фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш, давлат, фуқаролик жамияти институтлари ва аҳолининг очиқ мулоқотини ташкил этиш доимо эътибор марказида бўлганлигидан далолат беради.

Мамлакатимизда бу соҳада тизимли равишда амалга оширилган кенг қўламли ишлар натижасида узок йиллар давомида айтиб келинган “**давлат – жамият – инсон**” тамойили ўзгартирилиб, эндиликда, аввало **инсон, кейин эса, жамият ва давлат** манфаати барча чора-тадбирларнинг негизини ташкил қилиши эътироф этилди [16].

МУҲОКАМА

Айтиш зарурки, Президент Ш.Мирзиёев томонидан эълон қилинган **Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси** миллий ривожланишимизнинг янги босқичини бошлаб берди [1].

Жумладан, унда фуқаролик жамияти институтларининг эркин фаолият юритиши, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш белгиланиб, шу мақсадда Жамоатчилик палатасини ташкил этиш ишлари жадаллаштирилиши таъкидланди.

Айни чоғда анжуманнинг амалий жиҳатларини эътиборга олиб Янги Ўзбекистонни барпо этиш давомида фуқаролик жамияти институтларининг

ривожланишининг асосий йўналишлари ҳақида айрим фикрларни билдирмоқчиман.

Биринчидан, давлат аҳоли фаровонлигини оширишда жамият саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, кенг аҳоли эҳтиёжларини ифодалайдиган, турли жамоат ташкилотлари манфаатларига жавоб берадиган самарали механизмларни, усул ва воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётда қўллаш мақсадида Асосий қонунимизга фуқаролик жамияти, унинг институтларининг ўрни ва мақоми, давлат билан муносабатларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамловчи алоҳида бўлим киритиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, Ш.М.Мирзиёевнинг маърузаларини, жумладан, сайловолди дастурини таҳлил қилиш асосида, уларда муҳим устуворлик – мамлакат тараққиётининг кейинги босқичи илм ва инновацияларга асосланишини [2] кўриш мумкин. Президентнинг бу фикри замирида келгусидаги ривожланиш инновацияларга таянишини, қолган барча устуворликлар, шу жумладан давлат ва жамиятни ислоҳ қилиш вазифалари ҳам айна мана шу бош мақсадга боғлиқ равишда белгиланаётганлигини аниқлатади.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси инновацион ривожланиш йўлини танлаган ҳар қандай давлат кучли фуқаролик жамияти ва унинг институтлари мавжуд бўлган ҳолдагина ўз мақсадларига эришишини кўрсатмоқда.

Шу соҳанинг таниқли мутахассиси ҳисобланган америкалик сиёсатшунос Роберт Патнэмнинг фикрига кўра “постиндустриал ривожланиш” [13] палласига кираётган давлатлар ижтимоий ўзгаришларга “сезувчан” ва уларга реакция қилишда мобил бўлган янги типдаги тузилмаларга катта эҳтиёж сезади – бундай тузилмалар эса айнан нодавлат ноижорат ташкилотларидир” [5]. НТТларга хос бўлган янги жараёнларни илғаб олиш ҳамда улар юзасидан тезликда таклифларини бера олиш хусусияти инновацияга асосланган ривожланиш шароитида уларнинг ролини кескин оширади.

Бу эса фуқаролик жамияти институтлари ролининг ўсишини, уларнинг фуқаролар сиёсий ва ижтимоий ташаббусларини уйғунлаштириш борасида доимий изланиш олиб борадиган, аҳолини қийнаётган муаммолар ечимлари юзасидан аниқ ва манзилли дастурлар ишлаб чиқадиган “ақл фабрикаси” га айланишини тақозо қилади.

Учинчидан, Ҳозирги кунда дунё бўйлаб рақамлаштириш жараёнлари авж олаётганини эътиборга олиб давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатларни анъанавий шакллардан рақамлаштиришнинг янгича усул ва

механизмларидан самарали фойдаланиш асосида ташкил этишнинг долзарблиги ошиб бормоқда.

Қолаверса, жаҳон тажрибаси ҳам глобал пандемия даврида ижтимоий муносабатларда рақамли шакллардан кенг фойдаланилаётганлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистонда ҳам коронавирус инфекциясига қарши курашда фуқароларнинг ташаббуслари асосида касалманд, ёрдамга муҳтож одамларга берилган кўмакка кўплаб мисоллар бор.

Масалан, @mytaxisavob (<https://t.me/mytaxisavob>) ва @mytaxi_hayriya_bot лари яратиш натижасида кўнгиллилар томонидан кексаларга бепул транспорт хизматларини кўрсатиш каби хайрия ишлари амалга оширилди [12].

Бу даврда Telegram’да давлат ё бирор бир хайрия ташкилоти томонидан эмас, балки оддий инсонлар иштирокида муҳтожларга ёрдам беришга мўлжалланган «Яқинлар» боти ҳам ишга туширилган эди [17].

Айтиш жоизки, халқаро экспертлар томонидан ижтимоий муносабатларни рақамли шаклда ташкил этиш самарали усуллардан бири эканлиги ва келгусида унинг миқёси янада кенгайиб бориши эътироф этилмоқда.

Тўртинчидан, ҳозирги пайтда фуқароларнинг фикрини жамлаш, уларни бошқарув масалаларига жалб қилишда кенг қўлланилаётган технологиялардан бири краудсорсинг ҳисобланади.

«Краудсорсинг» (аҳолидан ғоя йиғиш маъносини билдиради) [3] технологияси XX асрнинг 70-80 йилларида вужудга келган бўлиб, *ҳозирги кунда ижтимоий тармоқларнинг ривожланиши билан фуқаролик жамияти субъектлари томонидан кенг қўлланилиб келинмоқда. Краудсорсинг* давлат ҳокимияти органларига жамиятдаги муайян вазиятни ҳал этишда, аҳолининг мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан энг креатив ғояларини умумлаштиришда ёрдам беради. Аксарият ҳолатларда аҳолининг фикрларини жамлаш оқибатида инновацион ғояларнинг юзага келишини кўрсатувчи кўплаб мисоллар мавжуд.

Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаётига мазкур технология энди кириб келмоқда. Шунга қарамай бу борада қўлланилган айрим мисолларни келтириш мумкин. 2018 йилда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан биринчи марта кенг миқёсда «Тошкент сени севади» шиори билан шаҳар инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича онлайн-платформа ишга туширилди. Унинг мақсади – шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юзасидан аҳолининг фикр ва таклифларларини йиғишдан иборат бўлган. Айтиш жоизки, уч мингга

яқин келиб тушган ғояларнинг аксарияти ижро қилинди, улар асосида пойтахт янада кўркамлашди.

Фикримизча, Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маърифий структуралардаги ташкилотлар ўз фаолиятлари самарадорлигини оширишда ва такомиллаштиришда креатив ғояларни умумлаштиришга асосланган краудсорсинг имкониятларидан кенг фойдаланиши уларнинг амалиёти натижадорлигини янада юқори қилади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Янги Ўзбекистонни барпо этиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар давлатнинг ўзи фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини кўрсатмоқда, келгусида уларнинг кенг авж олиши эса давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳамкорликнинг янги шакл ва моделларини юзага келишига олиб келади [4].

REFERENCES

Китоблар

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Т.: Ўзбекистон, 2022. – бет 416. (Mirziyoyev Sh. The development strategy of New Uzbekistan. – Tashkent: Uzbekistan publish., 2022. – page 416).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг сайловолди дастури. – Т.: Ўзбекистон, 2021. – бет 15. (The program speech of the candidate for the president of the Republic of Uzbekistan Mirziyoyev Shavkat Miromonovich. – Tashkent: Uzbekistan publish., 2021. – page 15.)
3. Хау Джефф. Краудсорсинг. Коллективный разум как инструмент развития бизнеса. – М.: Альпина Паблишер», 2012. – 288 с. (Howe Jeff. Crowdsourcing: Why the Power of the Crowd Is Driving the Future of Business. – Moscow: Alpina Publisher, 2012. – 288 p.).

Журналлар

4. Muminov, A., Muminov, O., Norov S. (2020) Social partnership in Uzbekistan: Status and prospects. International Journal of Scientific and Technology Research. 9(2) – P. 5876-5878. ISSN 2277-8616.
5. Putnam, R. (1995) Tuning in, Tuning out: the Strange Disappearance of Social Capital in America. Political Science and Politics. Cambridge University Press. 28(4),– P. 664-683.

Вебсайт

6. 2017-2021 йиллар учун мўлжалланган “Харакатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4997 сонли фармони. (2017). <https://www.lex.uz/acts/3107036> (The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. 4997 dd. February 7, 2017 on the “Strategy of Actions” aimed for 2017-2021 years).
7. Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси очилди (2016). <https://www.gazeta.uz/uz/2016/09/25/qabulxona/> (The virtual reception room of the Prime Minister has been opened).
8. “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. (2018). <https://lex.uz/docs/3679092> (The Law of the Republic of Uzbekistan on “The Public Control”).
9. “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент, 2018 йил 4 май. ПФ-5430-сон. <https://lex.uz/docs/3721649> (The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan on the “Measures on the significant increase of the role of civil society institutes in the process of democratic renovation of the state”).
10. “Менинг фикрим” махсус веб-портали яратилди. (2018). <http://www.uza.uz/oz/society/mening-fikrim-makhsus-veb-portali-yaratildi-20-04-2018> (The “My opinion” special web-portal has been launched).
11. Мирзиёев, Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. (2016). https://parliament.gov.uz/uz/events/other/19088/?sphrase_id=7982191 (Mirziyoyev Sh. The promotion of the supremacy of law and public interests is the guarantee of the development of state and nation’s welfare).
12. “Онлайн бозор ўсади, бошқа кўп сегментларда инқироз кузатилади”. Акмал Пайзиев бизнесни сақлаб қолиш стратегиялари ҳақида. (2020). <https://kun.uz/94258715> (“The online market will be growing, many other segments will face a crisis”. Akmal Payziyev about the strategy on saving the business).
13. Постиндустриал жамият. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-p/postindustrial-jamiyat-uz/> (Postindustrial society).
14. «Ташаббусли бюджет» лойиҳасининг илк мавсуми ғолиблари эълон қилинди. (2022). <https://www.gazeta.uz/uz/2022/04/04/initiative-budget/> (The first winners of the “Initiative budget” project have been announced).

15. “Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Тошкент ш., 2019 йил 30 октябрь, ПҚ-4501-сон. <https://lex.uz/docs/4572953> (The Order of the President of the Republic of Uzbekistan No. 4501 dd. October 30, 2019 on “The measures on the support of the activity of the Center on the civil society’s development”).
16. “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз”. Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган нутқи. (2021). <https://president.uz/uz/lists/view/4743> (“We will strongly continue following the way of democratic reforms on the basis of the Development strategy of New Uzbekistan”. The speech of the newly elected President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev during the inauguration).
17. Ўзбекистонда муҳтожларга ёрдам кўрсатувчи Telegram-бот ишга туширилди. (2020). <https://daryo.uz/k/2020/07/20/ozbekistonda-muhtojlarga-yordam-korsatuvchi-telegram-bot-ishga-tushirildi/> (A telegram-bot on helping a needy people has been launched).
18. “Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. (2018). <http://lex.uz/docs/3561681> (The Order of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan on the “Measures on the further enhancement of the activity of press service departments of the state bodies of the Republic of Uzbekistan”).
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.04.2018 й. ПҚ-3666-сон қарори. (2018). https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/adliya_vazirligi_nhh_loyihalari_ustid_a_ishlashda_asosiy_urinni_egallaydi (The Order of the President of Uzbekistan No. 3666 dd. April 13, 2018).